



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 14 июн, сешанба № 93 (1934)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БИЗ ЯРАТГАН ЗАМОНАВИЙ САМОЛЁТЛАР

дунёнинг кўпгина авиакомпаниялари сафларида парвоз қилмоқда


Пойтахтимиздаги «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» шарафли йўлни босиб ўтди. 1941 йили уруш бошлангани сабабли қорхона Тошкентга кўчирилди ва икки ойдан сўнг бу ерда биринчи ЛИ-2 самолёти тайёрланди. Кейинчалик Тошкент авиасозлари С.В.Илюшин ва О.К.Антонов бошлик конструкторлик бюрослари билан ҳамжиҳатликда ИЛ-14, АН-8, АН-12, АН-22 (АН-ТЕИ) самолётларини тайёрлади.

Вақт ўтиши билан бирлашмада дунёга донг кетган ҳаво лайнерлари учун қанотлар яратилди. 1971

йилнинг майида осмонга ИЛ-76 учирилди. Бу граждан ва ҳарбий хизматдаги ҳаво лайнерининг турли вариантлари

мукаммалаштирилган ҳамда дунёда ўз мақомига эгадир.

Жорий йили ҳам бирлашма жамоаси замон талабларига жавоб берадиган ажойиб самолётлар яратиш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Улар шу кунларда биринчи ИЛ-76 ТД-90 ВД ҳаво лайнерини йиғиш ишларини якунлаётди. Бу русумдаги самолётдан яна 15 таси «Волга-Днепр» авиакомпаниясига



Истиқлол берган имкон



тайёрлаб берилди.

Ўтган йили авиасозлар Хиндистонга янги замонавий, тез учар, ёқилғини осмонда қуддиган, учуш оғирлиги 210

тонналик ИЛ-78 МКИ самолётларидан 4 тасини контракт асосида топширди. Эндilikда бу типдаги самолётларга дунёнинг турли давлатларидан буюртмалар келмоқда.

— 2005 йили бирлашма жамоаси энг замонавий, бехатар, барча қўлайликларга эга ва тақомиллаштирилган ҳаво кемаларини ишлаб чиқариш ниятида меҳнат қилмоқда, — дейди бирлашма бош директори Вадим Кучеров. — Бу машаққатли аммо ўта шарафли вазифани бажариш кўпмиллатли жамоамиз зиммасидадир. Қўвончлиси шунки, биз яратган замонавий самолётлар эндиликда нафақат «Ўзбекистон ҳаво йўллари»да, балки дунёнинг кўпгина авиакомпаниялари сафларида парвоз қилмоқда.

Суратларда: Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳаётидан лавҳалар.

Р.ЖУМИЎЕВ (ЎЗА) олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Сизнинг таклифингизга биноан жорий йилнинг 10-12 май кунлари Ўзбекистон Республикасига давлат таширифим чоғида кўрсатилган иззат-икром ва ҳурмат учун самимий миннатдорлик изҳор этиш шарафига муяссарман. Ушбу ташириф муваффақиятли ўтганидан гоят мамнун эканлигимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Жаноби Олийлари, музокаралар натижасидан ҳам мамнун эканлигимни изҳор этмоқчиман. Улар доирасида энергетика, табиий заҳиралар ва ахборот технологиялари соҳаларида ҳамкорлик бўйича амалий таклифлар, истиқболли ўзаро манфаатли икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга қаратилган иқтисодий ёрдам чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Мамлакатларимиз ҳукуматлари бу лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда яқиндан ҳамкорлик қиладилар, деган умиддаман.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонда истиқомат қиладиган корейлар нафақат мамлакатингиз таракқиётида муҳим ўрин тутди, балки республикаларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантириш ва мустақамлашга ҳам ўзига хос ҳисса қўшади. Жаноби Олийлари, шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасидаги корейс миллатига мансуб фуқароларга кўрсатаётган доимий эътиборингиз бундан кейин ҳам ошиб бораверишига умид билдиришдан бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига чин дилдан мустақам соғлиқ ва фаровонлик тилаймман.

Но Му ХЁН, Корея Республикаси Президенти

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

УЙДИРМАЮ БЎҲТОННИНГ УМРИ ҚИСҚА

Ёлгон, уйдирма гаплар ҳар қандай ниймонли, софдил кишининг ҳунобини ошириб юборади. Бир зиб-ли, мутахассис сифатида пенсионер Анфим Ҳизовнинг республика матбуотида эълон қилинган фикрларини ўқиб, гоёта таъсирландим. У ҳақ. Интернетдан фойдаланиш имконига эга бўлган киши Андижонда 13 майда рўй берган фожиага воқеалар ҳақида айрим хорижий оммавий ахборот воситаларида чоп этилган баъзи бир маълумотлар бошдан оёқ уйдирма эканлиги учун жудаям ҳафа бўлиб кетди. Ҳаёт қизиқ экан. Кимларнингдир фожиясидан кимлардир ўз манфаати йўлида фойдаланиб қолди-га уринаркан. Ҳозирда янада теранроқ аниқлашмиз, миш-мишлар асосида тўқилган гаразли ахборотлар билан одамларни ҳалетишга уринишлар бўлмоқда. Уйдирмадан тарқатишдан мақсад нима, бундан кимлар манфаатдор эканлигини аниқлаш учун қатъа ақл керак эмас.

Андижон воқеаларидан фойдаланиб, ахборот хуружини ташкил этган кимсаларнинг бош мақсади олдидан тайёрланган қолиплардан фойдаланган ҳолда аввало Фарбдаги кишиларнинг онги-шуурига уйдирма маълумотларни қўйишдан иборат бўлган. Боз устига, Ўзбекистон яна бир бора террорчилик хуружга дуч келган бир пайтда Халқаро антитеррор коалициясининг иштирокчиси бўлган мамлакатлар унга ҳаттоки маънавий ёрдам кўрсатмагани қанчалар тааж-жубли.

Янги эспаймиз, баъзи хорижий оммавий ахборот воситалари шубҳасиз олдидан тайёрлаб қўйилган интервьюларни эълон қилиб, ҳайратомуз иш қилди. Улар Андижон қўлоқларида қурбонлар сонини бағоят ошириб кўрсатишди. Кейинчалик Андижонда бўлган чет эллик мухбирларнинг ўзи қурбонлар сони 130—150 кишидан ошмаслигини аниқлашди. Шундай пайтда уйдирмаларга зўр берганлар ноқулай аҳволда қолган бўлса ажабмас...

13 май кунини ўзининг ажойиб деҳқонлари, жаҳон чемпионлари билан мағрурланиб келадиган Андижон кўчаларида бизга асло ярашмайдиган воқеа содир бўлди. Қуроланган тўда бир қатор биноларга хуруж қилди, эл ўғлонларини ўққа тутди, беғуноларни гаровга олди. Ақидапарастлар шафқатсизлик ботида шайтонга дарс берадиган жиноятчилар билан бирлашшига ошқидилар. Бунинг оқибатида қандай кўнгилсизликлар юзага келганлиги барчага аён. Энди биз ҳам дипломатия борини шарт-шарта айтишга ҳақлимиз. Сир эмас, баъзи оммавий ахборот воситалари «шум хабарлар — энг керакли янгиликлардир» тамойилига амал қилиб келишмоқда. Ўнда ифодаланганда, журналистларга бериладиган гуноҳор микродир этказилган хабарнинг қанчалик ваҳимали бўлишига қараб белгиланса керак. Ҳечкам ҳазм қилолмайман, бировларнинг фожияси орқасидан фойда кидирадиган кимсалар гуноҳи азимга ботишгаётганини наҳотки сезишмаса, виждонан қийналишмаса?

Андижондаги воқеалар қатта сабоқ бўлди. Диний ақидапарастларнинг ўй-хаёллари пуч бўлиб қидди. Одамларнинг мустақил Ўзбекистонимизда олиб бориладиган ислоҳотларга ишончи, эътиқоди янада қучайди, улар Президентимиз сиёсатини янада қатъийлик ила қўллаб-қувватламоқдалар.

А.ҒУЛОМОВ, Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё санаети ва геология ҳодимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши раиси

Садоқат тимсоли

«ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ СОҲИБИ

Шу йил 14 январ Ватан химоячилари кўни арафасида Президентимиз Фармонида мувофиқ майор Отабек Убодуллаев иккинчи даражали «Шон-шараф» ордени билан тақдирланди.

Сапарбой ака ҳарбий бўлганидан фахрланиб юради. — Ҳар бир киши учун болалигидан бир касбни яхши кўриб қолиши жуда муҳим, — дейди у. — Чунки касбга меҳр, иштиёқ бўлса иши юришади. Мен болалигимдан ҳарбий бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйгандим. Шуқри, мақсадимга эришдим. «Харақатда баракат», деган гап тўри. Алфия опа уйим-жойим, бола-чакам деб куйиниб яшаётган — оилапарвар аёл. 8 нафар фарзанднинг онаси. Ҳозир уларнинг бари уйли-жойли. Узлари яхши кўрган касбнинг этагини туттишган...

Отабек Сапарбой ака билан Алфия опанинг тўнғич фарзанди. Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида дунёга келган. Уттиз икки ёшда. Ҳарбий унвони — майор. Отабек Убодуллаев дастлаб Тошкент шаҳридаги ҳарбий лицейда таҳсил олди. Кейин Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида ўқиди. 2001-2003 йилларда Куролли Кучлар Академияси тингловчиси бўлди.

Ростини айтсам, отам туфайли ҳарбийликка қизиқиб қолганман, — дейди Отабек. — Ҳарбий либос у кишига бирам ярашиб туради. Харақатларини айтмайсизми?! Ҳарбийликка меҳр қонимда бор, у албатта отамдан ўтган. — Отабек акамлар Чирчиқда биз билан қўшни яшарди, — дейди рафикаси Елена. — Шу боис танишиб қолганмиз. Бир сўзли, гоёта қатъиятли. Ваъда бердимки, бажармасдан қўймайди. Шу хислатлари менга жуда ёқди. Туртта фарзандимиз бор. Уғлимиз Амир энди иккига қиряпти. Ким билади дейсиз, катта бўлса балки отаси изидан борар. Отабек ҳарбий ҳаётини умрининг

мазмунини деб билади. У учун бўш вақт деган тўшунча йўқ. Хизматдан бўш бўлди дегунча ўгли Амирни кўтариб сайр қилади. Майор Отабек Убодуллаев командирик қилаётган ҳарбий қисмда бўлсангиз, тартиб-интизом мустақам эканлигига, кўркам-лигига гувоҳ бўласиз.

— Командиримиз, — дейди майор Равшан Норматов, — ҳарбий низоомлар қонун-қоидаларини жуда яхши билади ва уларга қатъий риоя қилади. Узага ва кўл остидагиларга нисбатан жуда талабчан. Шахсий таркибдаги ўзаро ҳурмат масаласига алоҳида эътибор беради. Бир-биримиз билан ахил, инोक бўлмасак, қандай қилиб утукка эришишимиз мумкин. Кези келганда, офицерлик касби ҳақида ҳам қисқача тўхталсан. Офицер ҳарб илмининг олий маълумотли мутахассиси. Низоомларни мукамал билади, қонун-қоидалардан яхшигина хабардор. Маҳорати юксак. Бир сўз билан айтганда, Ватаннинг профессионал химоячиси. Шўролар даврида ўзбекистонликлардан офицерлар, умуман, ҳарбий оҳанга танлаганлар бармоқ билан санарли бўлган. Бунинг кўпгина сабаблари мавжуд эди. Биринчидан, биздан етук ҳарбийлар етишиб чиқшини кўпма хохлашмаган. Иккинчидан, халқимиз орасида ҳарбий хизматнинг нуфузи унчалик баланд бўлмаган. Мустақилликка эришиб, ўз миллий армиямизга эга бўлган, ҳарбийлик ўта шарафли ишга айланди. Ҳарбий соҳа учун зарур бўлган мутахассисларнинг деярли барчаси ўзимиздаги ҳарбий билим юртиларда тайёрланмоқда. Ортбошимиз шундай таъкидлайди: «Воёга етган ҳар бир йигит, ҳар бир фуқаро учун Куролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш ўз Конституцион бурчини шунчаки

адо этишдан иборат бўлмасдан, балки ҳарбий хизмат учун нуфузли ва шарафли бир ишга айланиши зарур».

— Ҳарбий хизматни бошлаганимдан буён Куролли Кучларимиз учун кўп ишларни амалга оширдим, деёлмайман, — дейди биз билан суҳбатда майор Отабек Убодуллаев. — Лекин бор кучим, билимимни ишга солиб баҳоли-қудрат хизмат қилиб келяман. Камтарона хизматларим юксак даражада тақдирланганлиги кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшди.

У командирик қилаётган қисм ўтган ўқув йилида округда ҳам, Мудофаз вазирилик тизимида ҳам илғорлардан бўлган. — Мақсадимиз, — дейди Отабек, — барча тайёрларикларда ҳар бир аскар, сержант, офицер юкори натижаларни қўлга киритсин. Бунинг учун қисимимизда шарт-шароитлар мавжуд. Синфналаримиз керакли ўқув қуроллари билан жиҳозланган, дала-ўқув машгулотларини ўтказиш учун полигонимиз бор, зарур адабиётлар етарли. Шахсий таркибни руҳлантириб, ортимиздан эргаштира олсак, мақсади-мизга эришамиз. Андижон воқеалари барчамизни яна бир марта сергалангирди. Мустақиллигимизни кўрөлмаётган, бунёдкорлик ишларимиздан талвасага тушаётганлар афсуски бор. Биз ҳарбийлар ҳамиша жанговар ҳолатда шай турмоғимиз даркор. Жанговар шайлик талаб даражасида бўлса, бизнинг тинчлигимизни ҳеч ким бузолмайдди.

— Машгулотларда узилиш бўлмаслиги керак, — дейди майор Убодуллаев. — Сапарбой ака ҳам, Алфия опа ҳам ўғиллари давлатимизнинг юксак муқофотида сазовор бўлганидан беҳад хурсанд.

А.ОБРУВ, подполковник

2-бет

Ўзбекистон мустақиллик йиллари мобайнида жаҳондаги кўпгина давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик ўрнатишга ҳамда ривожлантиришга муваффақ бўлди. Айни бир вақтда мамлакатимиз ўзи имзолаган халқаро шартномаларнинг қондаларини аниқ бажариб келмоқда. Бунда энг аввало миллий манфаатларга ва мамлакатимиз ҳавфсизлигини таъминлашга асосланганликда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Сенат Ташки сиёсат масалалари қўмитасининг 13 июнда ўтган мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги қонуннинг Адлия вазирилик томонидан қандай ижро этилаётганлиги масаласи кўриб чиқилди. Бу масалаларга доир ахборот билан адлия вазири Б.Мустафоев сўзга чиқди.

Муҳокама вақтида таъкидланганидек, мазкур ҳуқуқий ҳужжат қондаларини бажариш юзасидан Адлия вазирилик томонидан муайян ишлар қилинган. Хусусан, унинг таркибида халқаро-ҳуқуқий масалалар бошқармаси ташкил этилган, халқаро шартномаларнинг лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан юри-

дик ҳулосалар тайёрлаш ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Мажлисида 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги қонун ўзбекистоннинг бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда, деб алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга халқаро шартномаларнинг лойиҳалари юзасидан айрим вазирилик ва идоралар томонидан тайёрланган ҳулосаларнинг сифати, сенаторлар таъкидлаганидек, қўйилаётган талабларга баъзан жавоб бермапти. Халқаро ҳужжатларнинг лойиҳаларини уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан ҳар тараф-

лама таҳлил этиш ҳамиша ҳам таъминланаяпти, деб бўлмайди.

Шу муносабат билан парламент юкори палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган ўзгариш-

ларни, икки палатали парламентга ўтилганлигини, шунингдек, халқаро шартномалар тузиш ва уларни ижро этишда тўпланган тажрибани инобатга олиб, халқаро ҳужжатларнинг лойиҳалари юзасидан тайёрланаётган экспертлик ҳулосалари сифатини ошириш зарур эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Халқаро шартномаларнинг ижро этилиши мониторингини таъминлаш, номи зикр этилган Қонуннинг янада тақомиллаштириш, халқаро ҳуқуқий нормаларни Ўзбекистон қонун ҳужжатларига сингдириш масалалари юзасидан тавсиялар билдирилди.

Қўмита раиси С.Сафоев бошқарган мазкур мажлисда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎЗА)

АРНАСОЙДА ҒЎЗА ГУЛЛАДИ

Вилоятнинг энг олис чўл ҳудудида жойлашган Арнасой туманидаги Равшан Дувлоннов бошлик «Камол ота» фермер хўжалиги даласида ғўза қий-гос гулга кирди.

Биринчи марта мустақил ишга қўли уриб, ўз меҳнатининг илк нишонаси-

ни қўриб турган янги фермер — Равшаннинг қувончи ҳечқис. Фермер хўжалиги аъзолари чигит экишдан бошлаб барча агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли амалга оширдилар. Натижа эса кўзга қўри-ниб турибди. 27 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаган фермер хўжали-ги даласида ғўза бараж ривожлан-моқда.

«Халқ сўзи» газетасининг 2005 йил 10 июн сонида таҳририятга келган «Уйдирмалар тарқатишдан мақсад нима?» хатини ўқиб қуйидаги фикрларни баён этиш истағи туғилди:

Биз ҳозирги кунда оммавий ахборот воситалари ниҳоятда тараққий этган ва беҳисоб ахборотлар уммонида яшаймиз. Етиб келаётган ахборотларни ростини ёлғондан, тўқини пучидан, маънилигини бемаънисидан ажратиб олиш имкониятига ҳам эгамиз. Расмий оммавий ахборот воситалари берган маълумотларга зид ўларок, турли интернет сайтларида чоп этиладиган бўҳтонларга асосланиб, миш-мишлар тарқатилган, у ёки бу воқеани бевосита тепасида туриб гувоҳ бўлгандек ишонтиришга уринувчи «журналистлар» ҳам борли-

ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚАДАМИ ҚАТЪИЙ

ги ажабланарлидир. Боз устига, айрим хорижий давлатларнинг нуфузли сиёсатдонлари ҳам минглаб километр масофада туриб бизнинг мамлакатда бўлаётган ҳодисани ўз кўзи билан қўриб, қўли билан ушлагандек мулоҳазалар юритишига нима дейсиз. Бу биринчидан. Иккинчидан. Мен тартибсизликларда, турли йиғинларда, айниса, аёлларнинг иштирокига ҳайронман. Уй бекаси бўлган ўзбек аёли ўзини фойдали иш билан машғул қилишга имконият излаши мумкин-ку.

Наҳотки, «кўчага чиқинлар» деб хуштак чалса, булар эргашиб кетаверсалар. Наҳотки, ота-оналар кун ва тун давомида хоҳ балоғат ёшда бўлсин, хоҳ ўсмир бўлсин, фарзандлари нима билан машғул бўлишини билмас. Энг ачинарлиси, ёшгина келинчақ ва жувонлар эрлари қандай юмушлар билан банд эканликларидан бехабар бўлсалар. Фикримча, билиб-билмаганликка, қўриб-қўрмаганликка олиш айрим шахсларга қўл келса керак.

Учинчидан, турли бўҳтон ва уйдирмаларни тарқатиш билан юртимиз фуқаролари орасида ишончсизлик, собитқадамликка раҳна солмоқчи бўлганлар чучварани хом санашибди. Зеро, содир бўлган у ёки бу воқеа ҳақида мамлакатнинг расмий шахслари ва унинг матбуот органлари ишончли ва тўлақонли маълумотлар бермоқда. Республика телевидениеси, радиоси ва газеталарида чоп этилаётган фикрлар бунинг исботидир. Ит хуради, қарвон ўтади, қогоз ва сайтлар ҳамма нарсага чидайверади. Ўзбекистон халқининг ўз танлаган йўли ва бу йўлда қорадиган қатъий, собит қадами бор.

Н.ИБРОХИМОВА, Ўзбекистон Давлат Санъат музейи раҳбари. (ЎЗА)

Жавдод Холиёровнинг жанговар фаолиятига яқинда олти йил тўлди. Дастлаб мuddатли ҳарбий хизматга қақирлиб, оддий аскар сифатида ўз йигитлик бурчини ўташга киришган ўғлон бугун аялдоқ сержант.

Хизмат жараёнида жуда кўп билим ва кўникмаларга эга бўлдим, — дейди у биз билан суҳбатда. — Сафдошларимга ишончим юксак. Командирларимиз меҳрибон ва талабчан. Сержантлар Ойбек Эмергенов, Ражаб Жумабоев, лейтенант Зокир Хазиевлар билан муносабатимиз фойдаланган. Шу билан биргаликда машгулотларда ўзаро мусобақадоримиз. Жамоамизда соғлом иқтимоий муҳит ҳукмрон.

Жавдод оилада еттинчи фарзанд. Ота-онаси барча фарзандларини эл-юртга фойдаси тегадиган, ҳалол ва оқибатли қилиб воёга етказдилар. Бугунги кунда фарзандлари турли соҳаларда фаолият юритишмоқда. Жавдод эса мардлар

ришиди. Улкан мақсадларни кузлаётган ўғилга оқ йўл тилаб, юзларига фотиҳа тортишиди.

Масъумий ўқув машгулотлари, синов ва имтиҳонларда ҳар доим ижобий натижаларга эришиб, бошқаларга ўрнак бўлиб келаётган

дан, ривожланишдан нишона. Аммо, афсуски, дунё таҳликада. Осойишталик душман бўлган террорчилар ҳали у, ҳали бу ерда бош кўтаришга уринмоқда. Лекин уларнинг режалари пуч. Ёвузликни ҳеч ким ёқмайди. Яхшиси, йўлдан адашганлар вақтида кўзларини очиб олишсин. Акс ҳолда тубсиз чоғга йқилади. Биз она Ўзбекистонимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз.

У билан суҳбатимизни якунлаб хайрлашар эканмиз, ҳаёлимиздан шундай фикрлар ўтди: «Нафақат кичик сержант Жавдод Холиёров, балки барча посбонларимизнинг, ҳар бир юрт фарзандининг дилида шу гап, шу туйғу мужассам. Биз тинчликни истаймиз. Чунки тинчлик — бебаҳо неъмат».

Ё. ҲАКИМОВ,
лейтенант



ФИДОЙИГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

Сафарбарлик қақирuvi резерви хизматига фуқароларимизда қизиқиш ортиб бормоқда. Буни Шовот тумани мудофаа ишлари бўлими томонидан олиб борилаётган ишлар ҳамда ота-оналар ва хизматга қақирилувчиларнинг фикрларидан ҳам аниқлаш мумкин.

Бугунги кунда кўпчилик фуқаролар ҳарбий хизматнинг бу тури ҳақида тасаввурга эга. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик қақирuvi резервидаги хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низомда белгилаб берилган ушбу хизмат тури қонун-қоидаларини аҳолига тушунтириш ишлари яхши йўлга қўйилганлиги, тарғибот ишлари мунтазам олиб борилаётгани тўғрисида СҚРда хизмат қилиш истагида бўлган ёшларимиз сафи тобора ортиб бормоқда.

МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ

Маълумки, сафарбарлик қақирuvi резервидаги хизмат мuddатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли бўлган, қақирилиш мuddатини кечиктириш ва қақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ навбатдаги қақирув давомида Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафига қақирилмайдиган шахслар томонидан уталадиган ҳарбий хизмат туридир. Мазкур хизмат турининг қулайлиги шундаки, у ишлаб чиқаришдаги фаолият ёки олий ва ўрта махсус ўқув юрталаридаги тахсил жараёнига ҳам ҳалақит бермайди.

— Мен бир ойлик йиғин тўғрисида, ҳар кун эрталаб бадантарбия қилишга одатландим, — дейди Уйғун Одамбоев. — Аиникса, саф тайёргарлиги, жанговар куролдан нишонга отиш машгулотлари менга жуда ёқди. Бу тайёргарликлар бўйича бошланғич малака ҳосил қилдим. Энг муҳими, вақтни қадрлашни ўргандим. Ота-онанинг қадрини нақадар улуғ туйғу эканлигига тушуниб етдим, вилотиимизнинг турли туманларидан қўллаб-дўстлар орттирдим.

— Фарзандимнинг ҳозирги кўриниши, ундаги фикрлаш қобилияти мени ҳайратга солди. Ундаги вақтинчилик, йиғит кишига хос гурурни қақириб, шундай хулосага келдимки, ҳарбий хизмат ёшларни нафақат чиниктиради, балки маънан тарбиялар экан, — дейди фуқаро Эркин Одамбоев.

Эркин ака билдирган самимий фикрларни Нукусда сафарбарлик қақирuvi резерви хизматини ўтаётган фарзандларининг хизмати ҳамда яшаш шароитлари билан танишишга борган бир гуруҳ ота-оналар ҳам баён этишди.

Ёшларимизнинг ҳарбий ҳаёт билан фуқаролик ҳаётини фарқлай олиши, соҳага жуда қизиқиш қилишлари, келгусида ҳарбий бўлиш ниятлари борлигини билдиришлари ота-оналарни қувонтирди. Ватан ва ота-онага муҳаббатли йиғитлар ҳаётга бошқача кўз билан қарай бошлашди. Буни уларнинг хатти-ҳаракатларидан ҳам аниқлаш мумкин.

Бу борадаги ишларнинг ҳар томонлама самарали амалга оширилиши, албатта, ходимларимизнинг ҳаракатларига бевоСИТА БОГЛИК.

Кези келганда, таъқидлаш жоизки, майор Фаҳридин Вапаев, сержант Самандар Ҳайитов, Даврон Нуржонов ҳамда сафарбарлик қақирuvi бўлими бошлиғи майор Улуғбек Ражабовлар хизмат вазиғаларига ўта маъсулият билан ёндашаётганликлари ўз натижасини бермоқда.

Соғлом ва бақувват ёшларинга юртимиз таянчи бўла олишини улар яхши билишади. Шу боис қақирилувчилар ҳар томонлама синхикаб текширувдан ўтказилгандан сўнг хизматга юборилади. Ҳарбий хизматга борган ёшларимизнинг хизмат давомида қатор муваффақиятларини қўлга киритаётганликларидан ҳикоя қилувчи номалар, бўлимиимиз номига келаётган ташаккурномалар бизни астойдил ишлашга ундайди.

Э. ОБИДОВ,
Шовот тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, подполковник

посбон командирлар назарига тушди. Шундан сўнг уни сержантлар тайёрлаш мактабига ўқишга юбордилар. Жавдод бу ерда ҳам фақат олдинги сафларда бўлишга ҳаракат қилди. Машгулотлардан кейин кутубхонада мустақил шугулланар, турли газета-журналлардан соҳага оид ян-

гач, бевоСИТА курол-яроғ, жанговар техникалар билан ишлашга ўтилади, — дейди у. Посбонларимиз ўз соҳасини қанчалик чуқурроқ билса, осойишталигимиз ҳам шунчалик мустаҳкам қафолатланади. Куролли Кучларимизда янгича аъёнлар, турли газета-журналлардан соҳага оид ян-



ВАТАНГА ХИЗМАТ МУҚАДДАС БУРЧ



Даставвал тўнғич ўғил Давлат ҳарбий хизматга бориб келди. Табиийки, йиғитлик бурчини ўтаб қайтган, барчанинг диққат-эътиборида бўлди. Аиникса, ўспиринлар уни тинмай саволга тутишар, ҳар бир сўзини жон қўлқлар билан тинглар эдилар. Унинг гап-сўзларига қараганда, шартнома билан яна хизматни давом эттириш мумкин экан. Шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларга яратилган шароитлар, имтиёзлар, ойлик маошлари, уларнинг армиядаги мақсудлари ҳақида Давлат узоқ ҳикоя қилди. Уни жимгина тинглаб ўтирган кенжотой Ғайрат икковлари холи қилишгач, секингина сўради: — Ака, нега яна хизматни давом эттира қолмадингиз? Давлат уқини елқисидан қучганча жавоб қилди: — Уртамизна ҳарбий бўлгандан кўра асл миришкор бўлган маълум. Мен болалигимдан далада меҳнат қилганман, деҳқончиликнинг барча сир-асоратларини деярли яхши биланман. Меҳнатим билан яшнаб турган далада кўришдан бениҳоя ҳузурланаман, деҳқон ҳам ўзига яраша-ватанпарвар. Юртининг тўқинчилиги мен каби деҳқон

йиғитларнинг меҳнатига ҳам боғлиқ.

Ғайрат ақасининг фикрига қўшилди, лекин кўнглининг бир чеккасида қандайдир ҳис уйғонганини ҳам туйди.

Хизматга бориш навбати Ғайратга келди. Дастлабки кунлардан оқ ота-онаси номига намунали хулқи-ю, хизматда эришган муваффақиятлари билан миннатдорчилик мактублари кела бошлади. Йиғитлик бурчини муносиб ўтаган Ғайрат ҳам уйга қайтди. У билан ҳам худди юқоридики ҳолат такрорланди. Ақасининг армия ҳаётини қизиқарли ҳикояларини берилиб тинглаган Ғайрат бу сафар овозида андак ҳасрат билан ақаси Давлатга берган саволини такрорлади: — Нега хизматда қолавермадингиз?

— Дадамизнинг энди деҳқончилик қилишлари шарт эмас. Бу ишни ўзим зиммамга оламан. Ўғиллар воёга етгач оталарининг юқини енгиллаштиришлари лозим. Деҳқончилик қилишни ҳам ҳар ким эгиллавермайди. Оиламизга ҳам, юртта ҳам фойдам кўпроқ ана шу яратувчилик касби орқасидан тегади.

Ақасини тинглаб туриб, ҳаётини шу фикрни ўтказди: «Мен барибир ҳарбий хизматда қоламан. Фақат тезроқ вақт ўтса-ю, белгиланган ёшга етсам эди».

Ғайрат орзу қилган кўнлар ҳам келди. Ҳарбий хизмат у йўлагинидан кўра мураккаброқ экан. Хизмат машаққатлари шарафли касбга бўлган садокатини оширса оширдики, асло қамаётмади. Қарши сержантлар тайёрлаш мактабиди ўқиб ана шу ҳурматнинг, садокатнинг амалдаги исботидир.

Касбга садокат, албатта, ўз мевасини беради. Жанговар

машина механик-ҳайдовчиси Ғайрат Боймуродов ўз ишини пухта билиши билан ушот офицерлар назарига тушди. У каби посбонлар тўғрисида катта лейтенант Суннатullo Тошқулов етакчилик қилаётган ҳарбий жамоа илгорликни кўлдан бермай келаётди.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ғайрат Боймуродов Ватан ҳимоячилари кундида «Шухрат» медалига сазовор бўлди. Намунали хулқи, хизматда эришган алоҳида ютуқлари эътиборга олиниб, ана шундай юксак мукофот билан тақдирланди. — Юксак мукофот биргина менга эмас, балки аҳил жамоамизга тегишлидир, — дейди Ф.Боймуродов. — Ушот офицерларнинг ҳарбий илми сирларини ўргатишдаги фидоийларча меҳнатларининг самараси бўлган бу юксак ахтиронтини ҳар доим қадрлайман.

Бухоро вилоятининг Маҳалла қишлоғида кўпчиликнинг ҳурматини қозонган бўрули инсонлар талайгина. Улар сафиди оддий деҳқоннинг фарзанди Ғайратнинг ҳам ўрни бор. Посбон ўғиллари билан Ғайрат ва Мусаллам Боймуродовлар чексиз фахрланадилар. Опалари Асали, Асила, Васила учун кенжотойнинг қишлоққа келиши байрамдек, гўё. Қаноат ва шукроналик билан, жимжамадор сўзларсиз ҳалол меҳнат, эзу амаллар орқали ватанпарварликдек юксак туйғуни фарзандлари қалбига го қила олган, шу туйғу тўғрисида ҳаётда ўз ўрнини муносиб эгаллашган ўғил-қиз билан ота-она, ола-ока, ёрдўстлар фахрланса арзийди.

З. РАҲИМОВА

СЕРЖАНТЛАР ТАЙЁРЛАШ МАКТАБИДА

Ислохотларимиз замирида сержантларга юксак эътибор қаратилаётгани сир эмас. Армиямиз сунъичи ва таянчи дея эътироф этилаётган бу йўгинни профессионал даражада тайёрлашдек устувор вазифага бундан бир неча йил олдин пойдевор қўйилганди. Очиғи ўша пайтда бу янгиликка киноа билан қараганлар ҳам бўлди. Бугун замонавий моддий-ўқув базага эга, ривожланган мамлакатдаги шундайин ўқув масканидан қолишмайдиган, йил сайин янги мазмун, янги қиёфа қаёф этиб бораётган мактабларимиз кўпчилигининг ҳавасини келтиряпти. Яхшиси ана шундай ўқув даргоҳларимиздан бири — Марказий ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабининг моддий-ўқув базаси нисолида фикримизни давом эттирайлик.


Президентимиз Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табриғида ҳарбий хизматчиларнинг яшаш ва хизмат шароитлари хусусида ҳам тўхталиб ўтганди. Ана шу катта эътибор, ғамхўрликни номи зикр этилаётган сержантлар тайёрлаш мактабиди яққол ҳис этасиз. Компьютер синфи

ни олайлик. Катта лейтенант Дмитрий Хван бу ерда бўлган профессионалларга «ақлли» машинанинг сирларини ўргатади. Курсантлар компьютер орқали ўз соҳасига тегишли вазифаларни бажаришади. Кимдир харишта билан ишлайди, кимдир топография илмини ўзлаштиради, яна кимдир интер-

нет орқали керакли маълумотларни олади. Марказий ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабиди намуна бўла оладиган тарғибот маркази бор. Ундан турли адабиётларни, кўргазмаларни воситаларни ҳеч қиналмай топиш мумкин. Маънавият ва маърифат хонаси ҳам тўла замон талабларига жавоб беради.

Бу масканда жисмоний тарбия ва спортга ҳам эътибор юксак даражада. Замонавий спорт тренажёрларида етук инструкторлар бошчилиғида машгулотлар ўтказилади. Шартнома бўйича хизматни ўтаётган кичик сержантлар — Незмат Қодиров, Жасур Рашидов, Ҳаёт Воҳидовлар ана шундай мураббий инструкторлардан. Оёқ, қўл, елка, умуртка поғоналари ҳаракатларига мўлжалланган тренажёрлардан посбонлар мунтазам фойдала-

нишаапти. Шунингдек, сержантлар тайёрлаш мактабиди маиший хизматлар учун мўлжалланган алоҳида хона бор. Унда



замонавий кир ювиш воситаларидан тортиб, барча зарурий хизматлар мавжуд.

Ривожланган мамлакатларнинг сержант тайёрлаш мактабига тез-тез келиб туришади. Моддий-ўқув базаси, ўқув тарбиявий жараёни билан атрофлича тани-

шиб, очиғи, биздаги шароитлар ҳам уларникидан қолишмаслигини айтишади.

Ушбу ўқув масканидида тиббиёт пункти, ошонани ҳам кўздан кечирдик. Масалан, тиббиёт пунктини оладиган бўлсак, ойнаванд бу бино узоқдан оқ эътиборни тортади. У замонавий услубда қурилатган банкларимиз биналарини эслатади. Ҳўш, ичкаридаги шароитлар-чи? Замонавий тиббий асбоб-ускуналар, шинам хоналар кичикроқ операцияларни, айрим муолажаларни госпиталга бормасдан шу ерда амалга ошириш мумкинлигини кўрсатиб турибди. Албатта буларнинг барчаси истиқлолимиз шарофатидир. Хуллас, ҳаракатларимизнинг барчаси истиқбол сари дадил одимлаётганимизни, ўз тараққиёт йўли билан қанчиларимиз ила бораётганимизни тасдиқлаб турибди.

А. САҒАРОВ,
майор

Келесликлар уни яхши танишади. Нафақат танишади, балки у билан фахрланишади. Ҳар кун «Ўзбекистон» кўчасидан чиқиб хизматга йўл олаётганда болалар ҳарбий кийим ярашган бўй-бастига ҳавас билан тикилиб қолишади.

Еш Шухратда ҳарбий хизматга бўлган ҳавас жуда эрта уйғонди. Шу боисдан ҳам 1956 йили 11-сонли ўрта мактабни тугатиши билан оқ ҳарбий билим юртига ўқишга чоғланди. Лекин баъзи бир сабабларга кўра ўша йили унга курсантлик формасини кийиш насиб этмади. Тошкентдаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида таъмирловчилангар бўлиб ишлаб бошлади. Лекин ҳарбий бўлишлик фикри туну-кун унинг ҳаёлидан кетмасди. Шунинг учун ўқишга киришга жиддий тайёргарлик қўрди.

Нихоят, 1967 йили у Саратов шаҳридаги ҳарбий билим юртига кириш бахтига муяссар бўлди. Тиршиқок, ўта изланувчан Шухрат 4 йил мобайнида ҳарбийлик санъатининг сир-синоатини кунт билан ўрганишга ҳаракат қилди. 1970 йили ўқини тугатиб, рота командирлиғига

бўлган йўлни босиб ўтди. Сўнг дивизия штаби тезкор бўлим бошлиғининг ёрдамчиси лавозимида хизмат қилди.

Ўз хизмат бурчиға фидоийлиги беСамар кетмади. 1977 - 1980 йиллар давомида ҳарбий академияда тахсил олди. У бутун умри давомида падари бузрукворни Ниёзқул отанинг: ўғлим, ҳар бир кишида, у қайси касбда ишламасин ўз ишига садокатли, фидоий бўлиши лозим, — деган панду-насихатига қатъий амал қилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг Шухрат Ниёзов қабиларга кенг йўл очилди. У Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиғи ички қўшинлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, штаб бошлиғи лавозимида хизмат қилди. Бу ҳақда Шухрат Ниёзовнинг ўзи шундай дейди:

— Мустақиллик тўғрисида биз ўз истеъдодимизни, қобилиятимизни янада кен-

грок намоён этиш имкониятига эга бўлдик. Бўлмаса оддий бир ишчининг ўғли генераллик даражасига бўлган йўлни босиб ўта олармиди.

Ҳа, албатта Шухрат ака минг бора ҳақ. У 1993 йилдан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиғининг Тошкент Олий ҳарбий техника билим юрти бошлиғи лавозимида хизмат қилиб келаётди. Республикада ҳарбий кадрларни тайёрлашдаги хизматлари инобатга олиниб, Шухрат Ниёзов «Иккинчи даражали шон-шухрат», «Меҳнат шухрати» орденлари билан тақдирланди.

Тумандошлар Шухрат Ниёзовлар оиласини «ҳарбийлар сулоласи» дея алқашади. Дарҳақиқат, унинг укалари Хожиақбар, Шокир, Шерали, Зокир Чиналиевлар ҳарбийликни ихтиёр этишган. Ботир эса тадбиркор. Шухрат ака ҳамда унинг турмуш ўртоғи Муяссар опалар катта бахтли хонадонинг бош-

лиғи. Тўрт ўғилни тарбиялаб воёга етказишди. Катта ўғиллари Иzzат Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлар академиясининг тингловчиси. Икром ҳам Ички ишлар



Ярослав КОРУКА олган суратлар

Вазирлиғининг академияси ўқув гуруҳи командири. Кейинги ўғиллари Рустам ва Али-

шерлар ҳам турли соҳаларда ишлаб, билим олишяпти.

— Мустақиллик бизларга берган яна бир имконият шу бўлдики, бу ҳам бўлса унутилган кадрларимизни тиклаш, миллий ўзлимизни таниш бахтига эга бўлдик, — дея суҳбатни давом эттирди Шухрат ака. — Масалан, соҳибқирон Амир Темур фаолиятини олиб кўрайлик. Унинг ҳарбий соҳадаги фаолиятининг ўзи бир дунё. Олий ҳарбий техника билим юртимизда унинг ҳайкалини ўрнатдик. Бундан ташқари курсантларимизни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳам асосий эътиборни қаратганмиз. Адабиёт ва санъат намонадалари билан учрашувлар ва бошқа тадбирлар шулар жумласидандир.

Мазкур билим даргоҳида Мустақиллик, Наврўз, «Хотир ва Қадрлаш» каби байрамлар катта шодийна билан ўтказилмоқда. Байрамларда дошқозонлар қайнаб, сумалаклар тайёрланади. Уларга

Фахр

Чирчқк шаҳридан, Бўка ҳамда Собир Раҳимов туманларидаги «Меҳрибонлик уйлари» тарбияланувчилари ҳам тақдиф қилинади.

Генерал билан суҳбатимиз ота-она ҳамда фарзанд муносабати ҳақида кетганда Шухрат ака қуйидаги фикрни билдирди.

— Биласизми, касб танлаш ҳақида фарзандларимизнинг ўзлари кўпроқ ўйлашлари зарурга ўқшади. Биз ҳам тўрт ўғил тарбиялаб, бирортасига ҳам шу ўқишга борсан деб айтмаганмиз, ўзлари ҳал қилишган. Худога шукр, ҳозир етти нафар набиранинг буваСиман. Тунов кун набирам Достонбекдан катта бўлсанг ким бўласан, деб сўрадим: албатта, солдат бўламан, деди у.

Мамлакатимизда биз юқориди ҳикоя қилган сулолар каби оилалар мусаб, Сизга фақатгина шулардан бири ҳақида ҳикоя қилдик, ҳолос.

Н. РАҲИМОВ,
«Ишонч» муҳбири

Халқ ижодиёти

«ЧАВҚИ»ЛИК ОТАХОНЛАР

Булуғур тумани маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли «Чавқи» фольклор-этнографик халқ дастасининг фаолият кўрсатаётганига ҳали унчалик кўп бўлгани йўқ. Утган вақт мобайнида дастанинг довуғи нафақат туман, балки вилоят ва республика бўйлаб тарқалиб улгурди. Йигирма икки нафар кишини ўзида бирлаштирган халқ дастасининг репертуари тобора кенгайиб бормоқда. Уларнинг кўшиқлари орқали «Пода тўп», «Ил боши», «Чиллик», «Кулоқ чўзма» каби халқ ўйинлари қайта тикланди. Эшбек Нормуродов, Аликул Отабоев, Яхшилик Рискулов, Умнат Нурматов, Баходир Норов каби иштирокчиларнинг ҳар бири чиқишлари

барчада катта қизиқиш уйғотмоқда. Яқинда Жиззах шаҳрида «Миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари» аънавий республика фестивали бўлиб ўтди. «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида ўтказилган бу фестивал сайил шаклида – ҳар бир вилоятнинг жамоаси ўзлари олиб келган 10 тадан миллий ўйин турини намойиш этиш билан ўтди. Булуғурлик 75 ёшли Холиқ Жайноқов «Фестивалнинг энг тажрибали эракка иштирокчиси» деб топилди. Дарвоқе, «Чавқи» дастаси қатнашчиларининг аксариятини 75-80 ёшли отахонлар ташкил этади.

Б.НОРКУЛОВ, «Ишонч» мухбири
Суратда: «Чавқи» дастаси иштирокчилари



Хабарлар оқимидан ЭКОМАРАФОН – 2005

Республикамизда экомарафон ўтказилди. Болалар экологик клублари уюшмаси томонидан ташкил этилган бу муҳим экологик тадбир ўлкамизнинг гузал табиятини ўрганиш имконини берди. Ёввойи ҳайвонларни муҳофаза қилиш умумжаҳон жамғармаси хомийлигида уюштирилган экомарафон мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган болалар географик-экологик клублари вакиллари қатнашиб, минтақавий экологик тизимнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича иншолади эди. Ҳаётда эса қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

САЛОМАТЛИК ФАЛСАФАСИ ЛОЙИҲАСИ

Республика «Оила» илмий-амалий маркази ташкил топганига етти йил бўлди. Бу орада марказ томонидан бир неча лойиҳалар амалга оширилди. Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан марказ томонидан навбатдаги лойиҳа юзага келди. Саломатлик фалсафаси бўйича тайёрланган йўриқнома ушбу лойиҳани кенг қўламада амалиётга татбиқ этиш имконини берди. Бундан ташқари аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини татбиқ этишга ҳам қиришилди. Бу ишларни оилани ўрганиш жараёнида амалга оширилди. Соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ яна қатор «Оилавий таълим» деб номланган лойиҳа доирасида кўриб чиқилади. Ёш оилалар, талабаларнинг оила қуришларига қўламовчилик ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

ЧИРОЙЛИ ВА ХУШБИЧИМ

Профессор Қудрат Аҳмеров салкам ярим асрлик педагогик фаолияти давомида кимё фанидан қўллаб қўлланган ва ўқув қўлланмаларини яратди. Таниқли кимёгар олимнинг босмага тайёрланган навбатдаги ўқув адабиёти «Кимё лабораториялари асос-анжомлари» деб номланди. Янги алоҳида чоп этилган мазкур қўлланмада кимё лабораторияларида ишлатиладиган турли асос-уқуналарнинг расм ва чизмалари иллюстрация кўрсинишда ёритилган. Унинг муқовасида кимёгар олим Менделеев даврий жадвалининг илова қилиниши ҳам қўлланманинг қийматини оширган.

Мафтуна СУЛТОНОВА

Бу қизиқ

Уйқу барча тирик мавжудотлар учун зарурий эҳтиёж эканлигини олимлар аниқлашди. Хатто умуман ухламайдиган бўлиб кўринувчи жонотлар ҳам ҳар дақиқада икки сония ухлашга улгураркан. Бу фурсат жуда қисқа бўлганлиги учун улар бунга пайкамай қолдишса-да, мияси етарли даражада ором олар экан.

УЙҚУ ХОСИЯТИ

Бошқа ҳайвонларда бир кеча-кундуз давомида ухлаш муддати ҳар хил ҳисобланади. Масалан, тўққиз дўстларимизга бунинг учун уч соатгина кифоя. Эшак эса 8 соат мобайнида ўз уйқусини қондиради. Фил ва сигир уйқуси 4 соатдан ошмайди. Ит, чўчка ва денгиз чўчкаси қарийб 8-9 соатсиз ухлашга қонмайди. Типратикан ва юморқозик қарийб куннинг ярмини, олмагон ва мушук эса 15 соатгача вақтни мудраб ўтказаркан. Аммо булар ҳали ҳолва. Кўршанпалак кун давомида атиги 4 соатгина уйқоқ бўлади.

Тиббиётчиларнинг фикрича, инсон учун суқалик уйқу меъёри ўртача 9 соатни ташкил этиши керак. Ҳозирги пайтда айримлар тунги пайтларда ухлаш ўрнига ўзларича фойдали машғулотлар билан шуғулланиши маъқул кўришмоқда. Уйқусизликни ўз танасида

синаб кўрганлар ҳам бўлган. 1959 йил Питер Трипп исмли радио бошловчи 8 кун ухламай, узлуксиз радиомарафон ўтказган эди. Бироздан кейин эса Ренди Гарднер бу рекордни янгилик билан қондиради. Фил ва сигир уйқуси 4 соатдан ошмайди. Ит, чўчка ва денгиз чўчкаси қарийб 8-9 соатсиз ухлашга қонмайди. Типратикан ва юморқозик қарийб куннинг ярмини, олмагон ва мушук эса 15 соатгача вақтни мудраб ўтказаркан. Аммо булар ҳали ҳолва. Кўршанпалак кун давомида атиги 4 соатгина уйқоқ бўлади.

Хуллас, уйқу ҳисобига тежалган вақт ҳеч қачон ўзини оқламайди. Зотан, у умрни узайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, дардларни даволаш хусусиятига эга.

М.ЭШМАТОВА тайёрлади

Юртимизда жаннатмакон гўшалар кўп. Биз бир гуруҳ қорақалпоғистонлик ёшлар Шахрисабз туманида жойлашган «Хисоролдинефт-газ қидирув» экспедициясига қарашли Беруний номли оромгоҳда дам оляпмиз. Бу ерда мазмунли дам олиш учун барча шароитлар яратилган.

Яқши дам – меҳнатга ҳамдам, дейди халқимиз. Ушбу оромгоҳда олти йилдан буён дам олам. Шароитлар, қўлай имкониятлар ҳақида тенгдошларимга кўп бор ҳикоя қилиб берганман. Бош етакчи Алишер Саломов жамоа тарбия-

СЎЛИМ МАСКАН БАҒРИДА


чиларининг иш режалари билан ишлашларини назорат қилиб боради. Чўмилиш хавзаси, маънавият ва маърифат хонаси, спорт-соғломлаштириш майдончаларида барча

Ёзги соғломлаштириш

шароитлар яратилган. Айни пайтда бу ерда мориқиб ҳордиқ чиқараётган

ёҳлардан тайёрланган ичимликлар ёқаяпти. Бизларга бундай қўлай шарт-шароитлар яратиб берган тармоқ ходимлари касабга уюшмаси ҳамда оромгоҳ раҳбарларидан миннатдоримиз.

Дилфуза АРТИКОВА, Қорақалпоғистон Республикаси Кўнғирот туманидаги 35-мактаб ўқувчиси



Миллий кийиниш муаммоси... Кейинги пайтда бу сўзлар кўпчилик оғзига тушиб қолди. Бир қанча китоб ва мақолалар чоп этилди. Лекин уларда, менинг фикримча, миллий кийимга нималар қиради, уларни қачон ва қаерда кийиш мумкинлиги устида мулоҳаза юритилмаётти.

Кўпчилик миллий кийим, миллий кийиниш деганда, дарҳол хотин-қизларни назарда тутди ва уларнинг қандайдир маданиятнинг аломати бўлиши керак, деб фикр қилди. Мен институтга, яхши бўлардим...

Бизнинг вазифамиз фарқ таъкидлаб қолмасдан, са керак. Қанчалик дод солмайлик, вақтни орқага қайтариб ва тўхтатиб бўлмайди. Шундай экан, кийиниш маданияти ёки кенгрок маънода инсон маданияти муаммосини муҳокама қилсак, болаларимизга инсон маданиятини ва шу жумладан, кийиниш маданиятини ўргатсак, яхши бўлардим...

Фикри оғзимича, бу муаммони ечишни битта йўли мавжуд бўлса керак. Миллийлик, миллий кийиниш керак, деб дод-фарёд солувчилар бунга ўзларидан бошласалар яхши бўлар эди. Яъни, уларнинг ўзлари тўлиқ миллий кийим кийсалар, ўғил-қизларига кийдирсалар, қизлари ёки невараларини турмушга чиқарганда келин олоқ европача кийим билан эмас, балки Маргилон атласи-ю, ироқи дўппи билан даврани бе-затиб ўтирсак, бошқа ёшларимиз улардан ўрнак олишлари мумкин. Шу ерда бир маҳалладошим эсга тушди. У киши маҳалла раиси бўлиб ишлаган пайтларида тўйхонага келиб келинлар ЗАГСга бораётганида машина дебта ёки иккита бўлсин, битта ёки иккита бўлсин, деб тўполон кўтарар эдилар. Ўзлари (раис) қизларини чиқарганларида кўша-кўша (лимизин ва 10 та қора рангли «Мерседес») машина кўчани тўлдирди. У кишидан ярим ҳазил, ярим чин қолганда, раисбобо бу қандай бўлди, деб сўраганимизда, менинг битта-ю битта қизим бор, қудларим жуда нозик одамлар, деб жавоб бердилар. Ажабо, бировга ақл ўргатишдан олдин, инсон шу ишни ўзи бажариб намуна кўрсатса яхши эмасми? Нега мен бошларим керак, деган фикр бизнинг энг хавфли камчиликларимиздан бири эмасмики? Ҳеч кимнинг биринчи бўлиб бошлагиси йўқ.

Умуман, миллий кийиниш муаммосини кўндаланг қилиб қуйишнинг ўзи унчалик тўри бўлма-

са керак. Қанчалик дод солмайлик, вақтни орқага қайтариб ва тўхтатиб бўлмайди. Шундай экан, кийиниш маданияти ёки кенгрок маънода инсон маданияти муаммосини муҳокама қилсак, болаларимизга инсон маданиятини ва шу жумладан, кийиниш маданиятини ўргатсак, яхши бўлардим...

Бизнинг вазифамиз фарқ таъкидлаб қолмасдан, са керак. Қанчалик дод солмайлик, вақтни орқага қайтариб ва тўхтатиб бўлмайди. Шундай экан, кийиниш маданияти ёки кенгрок маънода инсон маданияти муаммосини муҳокама қилсак, болаларимизга инсон маданиятини ва шу жумладан, кийиниш маданиятини ўргатсак, яхши бўлардим...

Кийиниш маданияти, фикримча, (мен бир икти-содчиман), миллат талла-майди. Биринчи навбатда, кийим тоза, дазмолланган, инсон соғлигига зарар етказмайдиган, унинг соғли-гини асрайдиган ва энг асосийси, у ўз эгасига ярашган бўлиши керак.

Яқинда олийгоҳ ховли-сида бир ўқитувчини учрат-дим. У киши кафедра до-центи бўлиб ишлайдилар, ёшлари олтимишга яқинла-шган эди. Оёқларида жигарранг чарм туфли, э-гилларида деярли тўпикча тушган ранги қора плаш, қизил қўлақча сарик гал-стук, бошларида эса Кўко-ни дўппи. Домла шундай пала-партш кийинса, ёш-лар нима қилсин? Кўча-кўйда, идораларда, тўйлар-да одамларнинг кийиниши-га эътибор берсангиз, ай-римлар жинси шим, оқ қўлақ, буйинда галстук, оёғида қрасовка, чарм кур-ткада юришадди. Маълумки, фарб давлатларида ўзини ҳурмат қилган одам рес-торанга, тўйга ва расмий идораларга бундай кийим-лар билан бормайди, агар-да борса ҳам, уларни рес-торанга киритишмайди. Артистаримиз кечки рес-торанларда, тўйларда жин-си шим ёки ўз рамерларидан 2-3 паст рамерли тор майкани кийиб олиб ашула айтишларига нима дейсиз?!

Кўчани, бозорларни кўйинг, расмий идоралар-га спорт костюм-шимларига, айримлар оёғида та-почка (сланси), эғнида енгки йўқ қора майка ва шортик билан кириб кели-шади. Танбех берсангиз, ака менга қўлай бўлган ва

Муҳокама учун мавзу

ёққан нарсани қияман, деб ҳафа ҳам бўлишди. Кийиниш маданиятини ошириш, бу бир кунлик ва бир кишининг иши эмас. Бу ишни барчамиз бир-галликда бажаришимиз мумкин. Фикримча, болаларга боғчада, мактабдаёқ қаер-да, қачон ва қандай кийи-ниш сирларини ўргатиш зарур.

Яна бир фикр. Респуб-ликаимиз аҳолисининг кўпчилиги қишлоқ жойлар-да яшайди. Далада ишла-ётганларнинг кийимлари уй кийимларидан деярли фарқ қилмайди. Бошқа давлатларга ўхшаб, моде-льларимиз дала ишчилари учун махсус кийимлар яратсалар ва у кийимлар-да бободехқонларимиз ишласалар, бунинг нимаси ёмон!

Барча институтлар тала-баларига (ўқитувчиларга ҳам зарар бўлмасди) имид-жмейкерлар кийиниш ма-данияти фанидан дарс берсалар, оммавий ахбор-рот воситаларида кийиниш маданияти деган доимий рубрика очилса ҳамда унда республика ва жаҳоннинг энг яхши имиджмейкерла-ри ўз маслаҳатлари билан қатнашсалар, бунинг нима-си ёмон!

Маълумки, яхши ва дид билан кийинган инсонни ҳали тўлиқ маънода мада-ниятли инсон, деб аташ қийин. Бунинг шартлари кўп. Инсон кийинишдан ташқари суҳбатлашиш, ов-қат ейиш, кўчада юриш, театрда ўтириш, маъруза қилиш, савдо қилиш, са-ломлашиш, кўпчилик ичи-да ўзини бошқариш ва бошқа минглаб маданият сирларидан бохбар бўлиш керак. Юқоридагилар-нинг айримларига тўхта-лайлик.

Яқинда бир катта дўкон-да бўлиб, кўрганларимдан ёқа ушладим. Харидорлар анчагина (улар орасида чет элликлар ҳам бор эди.) Биз ўзимиз беш киши эдик. Янги замон сотувчи-ларидан бири кроссворд ечиш билан овора, бири телефонда суҳбатлашиб ўтирибди. Яна бири эса, ё таваб, газмолнинг устида оёқларини чиллик қўйиб ётиб олган. Охиргисидан бизга қора рангли шойи керак эди, кўрстиб юбо-ринг десак, кўзини очиб-да ҳам эринган ҳолда, ни-масини кўрасиз, ўша шойи 700 сўм туради, деб жа-воб берди. Мана сизга сав-до маданияти! Уларни ишга олган одамларнинг

ўзи савдо ва хизмат ма-данияти китобини ўқиганмикин? Агарда кит-об ўқишга вақти бўлма-са, чет элга сафар қил-ганда, сотувчиларнинг харидорга муомала қили-шини кўрганлар. Онда-сонда театр ва кинога ўқиш турамини. У даргоҳларда, айниқса, ўғил болаларнинг ўзини тутишига ҳайрон бўласиз. Спектакл ёки кинони ай-рим жойларда болалар қаерда ўтирганини эсдан чиқаради. Баки-риқлар, сўқинишлар, гаплашиб ўтиришлар, бош қийми билан ўти-ришлар, айрим ҳолларда сигарет чекиш оддий ҳол бўлиб бормоқда.

Худога шукр, ҳозир деярли ҳамма оилада машина бор. Лекин, маши-нани бошқариш ва уни парковка қилиш мада-ниятини кўпчилик билмай-ди. Ёшларни ҳали ёш экан десак, айрим катта-лар улардан ўн баттар. Масалан, машинани ўн-га ёки чапга буриш учун бу-риш чироқини ёки ке-рак, қарама-қарши то-мондан машина кўринса, дарҳол узокни ёритади-ган чироқни ўчириш ке-рак, қизил чироқда тўхташ керак, машинага пассажир ҳар доим ўнг эшикдан ўтириш керак, машинани бировнинг ма-шинаси чиқиб кетишига ҳалақит бермайдиган қилиб қуйиш керак ва бошқалар. Бу қоидалар-ни бажармаслиги майли, айрим «замонавий» ҳай-довчилар кўчанин ўрта-сида машиналарини қарама-қарши қўйиб гу-рун қилиб ўтиришади. Бунга нима дейсиз?

Хуллас, гапирсак гап кўп. Фикримизча, ҳеч бир истиҳолага бормас-дан, барча оммавий ах-борот воситаларида ин-сон маданияти рункин ташкил этиш керак. Му-ҳокамада турли қатламда-ги кишилар иштирок этса. Муаммонинг тўлиқ ва ҳар томонлама му-ҳокамаси натижаси сифати-да китоблар чоп этилса. Бу ишга бир марталих иш ёки бу мени ишим эмас, деб қарамасдан барчамизни инсоний бур-чимиз дег муносабатда бўлсак. Сиз нима дей-сиз, азиз дўстлар.

Х.ШОДИЕВ, иқтисод фанлари доктори

Солиқ инспекциясининг инспектори Насимов Камол Абдунабиевич номига берилган №19628 рақамли хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

БИР ЧЕТИ ОМАДГА ҲАМ БОҒЛИК

Таквимга биноан Ўзбекистон кубоги ва терма жамоамизнинг халқаро учрашувлари муносабати билан юзага келган икки ҳафталик танаффусдан сўнг миллий чемпионат ўйинлари яна давом эттирилди. Айтиш жоизки, оралик танаффус биз учун дам олишдан кўра оғир ҳаёлга чўмиш, ўйга ботишларга бой бўлди.

Бизни яна футболчи-миз савияси ташвиш-лантира бошлади. Дўппини ерга қўйиб, бундоқ ўйлаб қарасак, ишларимиз яхши кета-япти, дейишимизга ҳали эрта экан. Жанубий Корея ва Саудия Арабистони жамоалари билан кечган ўйинда кўтарилган чанг-тўзондан сўнг гўё барча сир-синиоимиз юзага чи-қиб қолгандек туюлмоқ-да. Гўё мактаб кўрма-ган ёки имтиҳонга тала-бадек ҳижолат ўз доми-га олди.

Бизни ҳушёр торти-радиган, айтиладиган танкидий фикрларни галвирдан ўтказган ҳолда ахволни тубдан ўзгартирадиган ҳулоса-ларга қачон келинади-ю, муҳлислар стадион-ларни енгил нафас олиб тарқ атадиган кун-лар қачон келади, ҳозирча номаълум. Ана шу маҳзун кайфи-ятда миллий чемпионатимизнинг навбатдаги тур ўйинларини куза-тиб, бироз кўнглимиз ёришгандек бўлди. Ҳар ҳолда ҳеч бир жамоа-нинг курашларисиз мағ-

лубиятга имзо чекиш ни-яти йўқлигини эътироф этишимизга тўғри кела-ди. Буни натижалар ҳам тасдиқлаб турибди.

Ушбу турда марказий деб аташ мумкин бўлган ва фавқуллодда натижа қайд этилиши олдиндан баҳорат қилинган икки ўйинга эътибор қарати-лган эди. Шундай бўлди ҳам Наманганнинг «Нав-бахор» жамоаси чемпио-нат қарвонбошичи бўлиб турган «Насаф»ни қабул қилиб, ўзи учун ҳам уч очко, ҳам руҳий жиҳатдан тикланиб олиш нуктаи назаридан муҳим бўлган галабага эришди. 2:1 ҳисоби «Навбахор»нинг турнир жадвалидаги ахво-лини анча яхшилаган бўлса, қаршиликларга етакчи бўлиш осон эмас-лигини эслатиб қўйди.

Ҳаммасидан ҳам Усон Тошев шогирдлари жасо-рат кўрсатишди. Унинг жамоаси жуда кўпчилик-ни ҳайратга солиб «Неф-тич» устидан галаба қозонди. Бухорода ҳам Наманганда қайд этилган натижа такорланди. Машъал футболчилари меҳмонда тўп сурганлик-ларига қарамай, «Самар-қанд-Д» жамоаси дарво-

засини икки бор ишғол қилишга муваффақ бўлишди. Яна икки жа-моа – «Локомотив» ва «Металлург» ҳам сафар-дан уч очко олиб қатиш-ди. Темирийўлчилар Сари-осиёнинг «Тўпаланг» жа-моасини 2:1 ҳисобида доғда қолдирган бўлса-лар, яна бир дебютант «Шўртан» эса Бекобод-нинг «Металлург» коман-дасига 1:3 ҳисобида мағ-луб бўлди.

Пойтахт «дерби»си – «Пахтакор» ва «Трактор» жамоалари учрашуви ку-тилганидек муросасиз кечди. Вадим Абрамов шогирдлари майдонга чиройли ўйин намойиш этиш учун тушганликла-рини исботлаш учун ас-тойдил ҳаракат қилди-лар. Айни вақтда «На-саф» муваффақиятсиз-ликка учраганидан сўнг яна вазиятни тиклаб олиш ниятида бўлган



пахтакорчилар учра-шуви ўз фойдаларига хал қилишга интиди-лар. Футболда омад ва маҳорат деган тушунча-лар бор. Натижа ҳам шунга яраша бўлди. «Пахтакор» ўзи учун ўта муҳим учрашувни 4:1 ҳисобида галаба билан яқунлаб, очколари сонини 19 тага эътибор олди. А.Солиев хет-трекка эри-лиш, тўпурақлар ўртасида яққол пешқаддамга айлан-ди.

ТУРНИР ЖАДВАЛИ

| Ҳ | Ю | Д | М | Т-Н | О | |
|------------------|---|---|---|-----|-------|----|
| 1. «Насаф» | 9 | 6 | 2 | 1 | 21-10 | 20 |
| 2. «Пахтакор» | 8 | 6 | 1 | 1 | 33-5 | 19 |
| 3. «Машъал» | 9 | 6 | 1 | 2 | 15-9 | 19 |
| 4. «Навбахор» | 9 | 5 | 1 | 3 | 13-6 | 16 |
| 5. «Локомотив» | 9 | 5 | 1 | 3 | 16-3 | 16 |
| 6. «Нефтич» | 9 | 5 | 0 | 4 | 16-8 | 15 |
| 7. «Кизилқум» | 9 | 4 | 2 | 3 | 12-8 | 14 |
| 8. «Самарқанд-Д» | 9 | 4 | 2 | 3 | 8-8 | 14 |
| 9. «Тўпаланг» | 9 | 3 | 2 | 4 | 12-19 | 11 |
| 10. «Трактор» | 9 | 3 | 1 | 5 | 13-17 | 10 |
| 11. «Бухоро» | 9 | 3 | 0 | 6 | 11-21 | 9 |
| 12. «Сўғдиёна» | 9 | 2 | 2 | 5 | 3-20 | 8 |
| 13. «Металлург» | 8 | 1 | 2 | 5 | 11-16 | 5 |
| 14. «Шўртан» | 9 | 0 | 1 | 8 | 1-23 | 1 |

Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Зайнаб Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайнаб Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 22.15

Маълумки: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигинда 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерлари терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ